Ушбу сонда:
2 АВВАЛЛАРИ БУ ЎЗГАРИШНИ ОРЗУ ҚИЛИШ МУМКИН ЭДИ
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 БИТИРУВЧИ ЁШЛАР иш жойи билан таъмин этилади

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2005 йил 23 феврал, чоршанба № 32 (1873)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МИЛЛИЙ ДЎППИЛАР КЎРГАЗМАСИ

***Андижонда халқ усталари томонидан тайёрланган дўппиларнинг кўргазмаси очилди.***

Кўргазманинг очилиш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ишбилармонлар, турли касб эгалари, олий ўқув юрти талабалари, ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари қатнашдилар. Дўппидўзлик миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, асрлардан-асрларга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Кўргазмага турли хил услубда тикилган ва ҳар хил рангларда жилоланувчи дўппилар қўйилди.

Бу кўргазмани вилоят савдо-саноат палатаси ташкил этди. Ташкилотчиларнинг фикрича, бу кўргазмани ўтказишдан мақсад энг яхши усталарнинг тажрибасини ўрганиш ва халқ ҳунармандчилигининг бу соҳасига ёшларнинг эътиборини янада кўпроқ тортишдир.





*Маънавий қадриятларни тиклаш, маданий меросни асраб-авайлаш – буларнинг ҳаммаси баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Мамлакатимиз раҳбарининг мазкур соҳага оид Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари изчил амалга оширилаётгани бунинг амалий ифодасидир. Қувончлиси шуки, энди республикамиз кино санъати ихлосмандлари ўзбек кинематографияси тарихи билан янада чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўлдилар. Бунинг учун 25 мингдан ортиқ экспонатдан иборат экспозиция ташкил этилди. Улар архив материаллари, киноқайдлар, фотоқайдлар, тарихий суратлар, кадрлар, афишалардир. Тошкентда очилган Ўзбекистон кино санъати музейида «Тоҳир ва Зуҳра», «Маҳаллада дув-дув гап», «Шум бола» каби миллий кино санъатимиз дурдоналарининг яратилиши ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Шунингдек бу ерда ўзбек киносининг асосчилари ижоди билан ҳам танишиш мумкин.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

## ҲОКИМЛАРНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВИ

Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳокимлар ўринбосарларининг ҳамда туманлар ҳокимларининг минтақавий семинар-тренинги бошланди.

Ўн кун давом этадиган машғулотларда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда давлатимиз раҳбарининг ҳукуматнинг янги аъзолари билан учрашувидаги нутқида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги янгиланишлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашади.

- Семинарлар очиқ мулоқот тарзида ўтаётгани уларнинг самарадорлигини янада оширмоқда, - дейди Самарқанд тумани ҳокими Б.Саъдуллаев. - Уларда иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичининг мазмун-моҳияти, ислоҳотлар ва эркинлаштириш жараёнидаги тўсиқларни бартараф этиш йўллари, хусусий секторнинг минтақа ривожидаги улушини кўпайтириш чоралари, ҳокимларнинг маҳаллий хомашёга асосланган хусусий корхоналар ташкил этишдаги ўрни хусусида фикрлашяпмиз. Натижалар таҳлил этиляпти.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов, Самарқанд вилояти ҳокими М.Нурмуродов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## «СТРАНЖА»НИНГ ТЎРТ МЕДАЛИ - ЎЗБЕКЛАРДА

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Болгарияда ўтказилган «Странжа» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади.

Боксчиларимиздан Дилшод Мансуров ҳамда Шерзод Абдураҳмонов мусобақанинг кумуш медалини олди.

Жаҳон чемпионати ва Афина Олимпиадаси совриндори, Осиё чемпиони Баҳодир Султонов ҳамда Беҳзод Хидиров эса бронза медал билан кифояланди.

**(ЎзА)**

***Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкатларни тугатиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу йил Тошкент вилоятида яна ўн беш ширкат хўжалиги ерлари фермерларга тақсимлаб берилади.***

## БЕКОБОДДА ФЕРМЕРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бекобод туманида бу ишга алоҳида эътибор қаратилган. Тупроқ-иқлим шароити нисбатан оғирроқ бўлган туманда экин майдонларининг салкам ярми фермерлар ихтиёрига ўтди.

Шерали Эргашев раҳбарлик қилаётган «Шерхон» фермер хўжалиги туманнинг илғор хўжаликларидан. 44 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалик ҳосилдорликни йил сайин оширмоқда. Бултур давлатга 31 тонна дон, 36 тонна пахта сотди. «Пахта банк»нинг туман бўлими кредити ҳисобига бутлаб олинган техника фермерга иш беряпти.

- Ўтган йили паст рентабелли олти ширкат хўжалиги тугатилиб, улар негизида 292 фермер хўжалиги ташкил этилган эди, - дейди деҳқон-фермер хўжаликлари туман вакиллиги бош ҳисобчиси Омонбой Эшмуродов. - Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топгач, олинаётган ҳосил салмоғи ҳам ошди. Бундан деҳқон ҳам, мамлакат ҳам манфаатдор. Ўтган йили давлатга сотилган доннинг 51, пахтанинг 53 фоизини фермерлар етказиб берди.

Туманда фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Бешта муқобил МТП, олтита ёнилғи қуйиш шохобчаси, шунча Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фермерлар хизматида.

Уқувсизлигидан ўзини ҳам, ерни ҳам қийнаётган фермерлар ҳам йўқ эмас. «Бўсин ота», «Учқун», «Пўлат ота», «Шуҳрат» фермер хўжаликлари ана шундай хўжаликлар сирасидан. Масалан, «Пўлат ота» хўжалиги ўтган йили шартномадаги 24 тонна ғалланинг атиги 5,1, 47 тонна пахтанинг етти тоннасини етказиб берди, холос.

Шу боис тумандаги уч йил сурункасига шартнома мажбуриятларини бажармай келаётган 13 фермер хўжалиги ихтиёридаги 260 гектар ер олиниб, танлов асосида бошқа даъвогарларга берилди.

**(ЎзА)**

## ХАЁЛ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

***Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўз фаолиятини бозор иқтисоди шароитидан келиб чиққан ҳолда янгича услуб, талаб, тартиб асосида олиб боришга, учраётган муаммоларни ўз кучи, зарур бўлган тақдирда тегишли вазирликлар ҳамда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қиляпти. Қурултойдан-қурултойгача бўлган даврда биз давлатимиз қонунлари, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг уставлари асосида фаолият юритдик. Республика Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар, Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкилотлари ва муассасалари ходимларини иш ва яшаш шароитларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат барча тармоқ ходимларини бирлаштирувчи касаба уюшмаларига ижтимоий шерикчилик тамойилини ўз фаолиятининг асоси сифатида белгилаб берди.***

Вазирлик ва ташкилотлар билан таълим ва фан муассасалари ходимлари ва талаба, ўқувчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг меҳнат ва таҳсил олиш шароитлари муқобиллиги ва хавфсизлиги, соғломлаштирилиши масалаларини қамраб олган тармоқ келишувларини имзолагандик. Ушбу ҳужжатларнинг меъёрлари тармоқ касаба уюшмаси Кенгашлари билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги таълим бошқармалари ва бўлимлари ўртасида тузилган келишувларда фойдаланилмоқда. Тармоқ ва ҳудудий келишувлар мажмуи бевосита олий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, умумтаълим, мактабгача таълим ва фан муассасаларида жамоа шартномаларини тузиш учун асос бўляпти. Бунинг барчаси касаба уюшмаси томонидан учта умумий вазифани, яъни бандлик, иш ҳақи ва меҳнат шартномалари муаммоларини ечишда муҳим рол ўйнаяпти.

Тармоғимиз касаба уюшмаси таркибида 6 минг 211 та бошланғич ташкилот мавжуд. Шулардан 4 минг 271 та жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 1 миллион 400 мингдан зиёд ходимларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Маълумки, касаба уюшма ташкилоти ва унинг қўмитаси фаолиятини баҳолашда асосий кўрсаткич - ҳар бир ходимга, талабага ва ўқувчига жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ миқдори муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рақам 2000 йилда 2 минг 998, 2004 йилда эса 9 минг 398 сўмга етди.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат ҳамда спорт масалаларига, меҳнат муҳофазасига алоҳида ўрин берилган. Олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бюджетдан ташқари тушган маблағлар, ҳомий ташкилотларининг ажратмаси ва бошқа йўллар билан олинган даромадлар муҳим рол ўйнамоқда. Масалан, Наманган шаҳридаги Педагогика касб-ҳунар коллежида кўп тармоқли «Ниҳол» ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятидан, шунингдек, қўшни туманда ташкил этилган 32 гектарли ёрдамчи хўжалигидан олинаётган даромадлар ҳисобидан ходимларни тушлик, транспорт харажатлари ҳамда тушлик учун тўланадиган ҳақнинг 50 фоизи қопланяпти.

Бундай ишлар халқ таълими муассасаларида ҳам ташкил этилса айни муддао бўлади. Масалан, Денов туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўз ихтиёридаги 2,7 сотих ер майдони ва лимонарийсидан йилига 2 миллион сўмгача даромад қилмоқда. Ушбу маблағлар мактабга техник воситалар ва ўқув қуроллари харид қилишга, кам таъминланган ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланмоқда.

***(Давоми 2-бетда)***

*Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

### Ислоҳотларнинг амалга оширилиши учун
## ШАХСАН МАСЪУЛ

Анжуманда сўнгги беш йил ичида вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш борасида қўлга киритилган ютуқлар эътироф этилиш баробарида касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалар, ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар тўғрисида ҳам сўз борди. Энг оммавий жамоат ташкилотининг обрў-нуфузини кўтариш, уни меҳнаткашларнинг ҳақиқий таянч-суянчига айлантириш мақсадида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Маърузачи – вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Абдикарим Аҳмедов, шунингдек, музокарада сўзга чиққанлар ҳисобот даврида самарали фаолият юритишда жамоа шартномалари, келишув ва битимлар муҳим меъёрий ҳужжат сифатида ниҳоятда катта ўрин тутганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бошқача қилиб айтганда, жамоа шартномалари касаба уюшма ташкилоти ҳамда маъмуриятнинг кўп қиррали фаолиятини ўзида тўла акс эттира олди. Жумладан, ўтган йили 19 та ҳудудий тармоқ, 29 та туман ва шаҳар келишувлари, 5516 та жамоа шартномаси тузилди. Ишчи-ходимлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда ушбу меъёрий ҳужжатларнинг мукаммал тузилиши катта рол ўйнаши кўпчиликка маълум. Бинобарин, вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ҳамда алоқа тизимидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари кутилган самарани берди. Жамоа шартномалари бандларининг тўлиқ бажарилиши кўнгилдагидек назоратга олинганлиги касаба уюшмаларининг маъмурият, ва айни пайтда меҳнаткашлар олдидаги обрў-эътиборини бир қадар юксалтирди. Мисол тариқасида «Сурхонтекстил» ва «Сурхон озиқовқат» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзбекистон-Индонезия» қўшма корхонаси сингари кўпгина ташкилот, корхона ва муассасалар касабақўмлари фаолиятини келтириш мумкин.

Бироқ, бу борада муаммолар ҳал этилган, деб айтишга ҳали эрта. Кўпгина меҳнат жамоаларида жамоа шартномаларини тузиш ва экспертизадан ўтказишда, ижросини таъминлашда ўзибўларчилик, юзакичилик ҳолатлари кўзга ташланаётир. Ҳаттоки, айрим жойларда меъёрий ҳужжатлар тузилмаяпти ҳам. Демакки, меҳнаткашлар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинмаяпти. Бундай ҳолатлар билан асло муроса қилиб бўлмайди.

***(Давоми 3-бетда)***

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат*

## ХЎЖАЛИК ЕЛКАСИДАГИ ОҒИР ЮК

***Қодиржон Исмоиловга ўтмишдошлардан иқтисодий ночор хўжалик мерос бўлиб ўтди. Аслида ушбу хўжалик таназзули Аъзамжон Мирзажонов «Дардоқ» ширкат хўжалигида раис бўлиб ишлаган 1999 йилларда бошланган. Ўшанда давлатга пахта сотиш шартномавий режа 85,10 фоизда қолиб, ҳосилдорлик 23,5 центнерни ташкил этганди.***

Бунинг жабрини аввало ишловчилар тортди. Ойлик маош, мукофот пуллари, иш ҳақига қўшимчалардан барака кетди. Маъмурият билан касаба уюшма ташкилоти ўртасида имзоланган жамоа шартномасидаги қатор бандлар бажарилмай қоғозда қолди. А.Мирзажонов эса ҳеч нарса бўлмагандек Ш. Рашидов номли ширкат хўжалигига раис бўлиб кетди.

Қўйнидан тўкилса, қўнжига деганларидек, унинг ўрнини жияни Назиржон Набиев эгаллади.

Афсуски, унга ҳам омад кулиб боқмади. Ғалла тайёрлаш юзасидан белгиланган шартномавий режа ўринланган бўлса-да, давлатга пахта сотиш кўрсаткичи 2004 йилда 88,85 фоизда қолиб кетди. Қаранг, Хошимжон Холматов, Шарофатхон Эргашева, Бурхон Жўраев бошлиқ бош пудратчилар гектаридан 31 - 32 центнердан хирмон кўтардилар. Ширкатда эса ҳосилдорлик 25,6 центнердан ошмади. Хомашёнинг салкам 30 фоизи, ёки 650 тоннаси 4 - 5 навларга сотилди. Яна ишловчилар қуруқ қўл билан қолавердилар. 2005 йил 1 январ ҳолатига ойлик маошдан 92 миллион 331 минг сўм, 2 ёшли бола парваришлаётган оналар нафақасидан 20 миллион 96 минг сўм, касаба уюшмалари аъзолик бадалидан 9 миллион сўм қарздорлик юзага келди.

Энг ёмони, касабақўм ҳамда иш берувчининг меҳнат муҳофазаси масаласига лоқайдлиги бахтсиз ҳодисага олиб келди. Электрсозловчи Неъматжон Рўзиматов иш устида ҳаётдан кўз юмди. Оқибатда вояга етмаган 4 нафар норасида боқувчисидан ажраб, онанинг қўлида қолди. Дард устига чипқон деганларидек, ҳозиргача оила 577 минг сўм товон пулини ололмай сарсон.

Собиқ раис Н. Набиев давридаги «торт-тортлар» хўжалик елкасида оғир юк бўлиб турипти. Чорва фермасидаги жамоа мулкига кўз олайтиришлар Қўрғонтепа туманлараро фуқаролик судининг 2004 йил 22 декабрдаги хусусий ажримида интиҳосига етгандек эди. Чорвани «очил дастурхон»га айлантиришга йўл очиб берган Н. Набиев вазифасидан бўшатилиб, молиявий зарарни тўлади. «Катта арава» қаерга юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради деганлари рост экан. Фермани тебратиб турган Абдумажид Ҳайдаров, Болтабой Ғайназаров, Машрабжон Абдураҳмоновлар ҳам вазифасидан силжитилди.

Янги раис табиийки, аҳволни ўрганишни чорва фермасидан бошлади. Афсуски, тафтиш жараёнида суиистеъмолчиликлар боис тармоқнинг супраси қуриб қолганлиги аёнлашди. Қ. Исмоилов судга такрорий даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Ойдинлашдики, чорва бригадири Ёқубжон Саидов бир кечанинг ўзида «куф-суф» билан бияни бузоққа айлантирадиган афсунгарлардан экан. 2004 йил 17 март куни ҳисобчи А. Усмоновга гарданидаги 2 бош ишчи от ўрнига 2 бош бузоқ топшириб тегирмондан бутун чиқишни кўзлади. Тўғрироғи, шу йўл билан камомадини ёпмоқчи бўлди.

Бош чўпон Нодир Жўраев ҳам янги раиснинг чиғириғидан ўтолмай, карахт бўлиб юрибди. Чунки ҳисобидаги 58 бош она совлиқ қаерга чиқим қилингани номаълум. 2004 йилда туғилган 2 бош қўчқор, 2004 йилда олинган 55 бош қўзиларни чорвага топшириб, «қор ёғди, излар босилди» қабилида иш тутди.

Бундай аҳволда ширкатда 2005 йилги қўзилатиш мавсумидан нима кутиш мумкин? Молбоқар Анвар Содиқов гум қилган 2 бош ғунажин, брак баҳонасида сотилган 19 бош сигир 2003 йилда туғилган бузоқлар билан алмаштирилганлигига ким жавоб беради? Гапнинг лўндаси, раис фуқаролик судидан чорвани талон-тарож қилганларнинг жазоланишини сўраб аризани якунлаган. Ўзлаштиришлар фуқаролик судига эмас, жиноий ишлар судига ҳавола қилинмаганлиги кишини ажаблантиради.

Хўш, касабақўм ширкатдаги бу каби қонунбузарликларга қандай муносабатда бўлган. Ана шундай савол билан касабақўм раиси Абдураҳимжон Нуралиевга юзландик. Саволга жавоб тополмаган раис ҳижолат тортиб ерга тикилди. 2004 йил 17 август куни ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияси ҳужжатлари билан таниша бошлаймиз. Афсуски, ҳисобот маърузасида ва нотиқларнинг чиқишлари матнида юқоридаги қонунбузарликлар ҳақида ломмим дейилмаган.

Бу касабақўмнинг жамоада ўрни йўқлигидан, муросасозлик йўлини тутганлигидан далолат беради. Ижро устидан назоратнинг йўқлиги ҳамма нарса қўлдан бой берилишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатади.

Янги раис ишловчилар меҳнат шароитини яхшилаш, бошқарув тизимини ихчамлаштириш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш сари дастлабки қадамларни ташлади. Илгари 4 та бўлимда 4 бошқарувчи, 4 агроном, 4 ҳисобчи, хуллас 30 тага яқин штат бирлиги сақланганди. Охир- оқибат шу бўлдики, 23 та ортиқча штатлар қисқартирилиб, бошқарув бош пудратчиларга ўтди. Молиявий соғломлаштириш ҳисобига хўжалик иқтисодини тиклаш мақсад қилинганди. Орада 20 нафарга яқин ишловчи бепул дам олдирилди. Эҳтиёжманд хонадоннинг ногирон фарзандига аравача совға қилинди.

Биз хўжаликда бўлганимизда, машина-трактор паркида техника кўриги ўтказилаётганди. Бу ерда дам олиш хонаси, ошхона очилганидан, тракторлар сақланадиган айвон қурилганидан мамнун бўлдик. Мавжуд чопиқ тракторлари янгидек созланиб, тайёргарлик чизиғига қўйилган. А.Нуралиев билан касабақўмнинг тадбирга тайёргарлик борасидаги ишлари, техника хавфсизлиги хусусида фикрлашдик. Тўрт девордан иборат, хувуллаган хонани техника хавфсизлиги хонаси, деб бизга тақдим этишларидан ҳайратга тушдик. Ўйлаб кўринг, касабақўм томошабин бўлиб тураверса унинг ўрни, обрўси ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бугина эмас, касабақўмнинг фаолиятсизлиги туфайли тилга олинган штат бирлигини қисқартиришда ҳам меҳнат қонунчилиги талаблари бузилди. Масалан, статистик ҳисобчи Муаттар Усмонова 2 ёшли болани парваришлаётганига қарамай, қисқартириш баҳонасида у ҳам ишсизлар қаторида маошдан маҳрум этилган. «Ишонч» газетаси аралашгандан сўнг, ходима ўз ишига тикланди.

Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари тўғрисидаги Қонунда касаба уюшмалар ташкилоти хўжалик, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотлардан тамоман мустақил бўлиб, биринчи галда меҳнаткашлар манфаатларининг фаол ҳимоячиси эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Бас шундай экан, эскича услублардан тамомила халос бўлиб, омилкорлик, изчиллик ва қатъиятлик ила фаолият юритиш, тараққиётга ҳамиша тўғаноқ бўлиб келган ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоғчилик, порахўрлик, суиистеъмолчилик каби иллатларга қарши муросасиз курашмоқ даркор.

**Собир РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

*Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

# Ислоҳотларнинг амалга оширилиши учун ШАХСАН МАСЪУЛ

(Боши 1-бетда)

Конференцияда жамоа шартномаларидан асосий ўрин олган жиҳат – ходимларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар билан ўз вақтида таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Негаки, касаба уюшмалари саъй-ҳаракатига қарамасдан айрим тармоқларда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш ҳанузгача катта муаммо бўлиб турибди. Амалдаги йилнинг 1 феврали ҳолатига кўра иш ҳақидан қарздорлик 2,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Айниқса, агросаноат, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳамда автотранспорт ва йўл хўжалиги соҳаларида бу муаммони бартараф этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти. Мазкур тармоқлар касаба уюшма ташкилотларининг раҳбарлари, фаоллари мавжуд имкониятдан тўла фойдаланишлари, аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида қатъий чора кўришлари талаб этилади.

Меҳнат муҳофазаси, ишчи-ходимларга қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиб бериш ишда унумдорликни таъминлаш, самарадорликни оширишнинг бош омилларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Минг афсуски, анжуманда уқтириб ўтилганидек, вилоят касаба уюшмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини тўла маънода ижобий баҳолаб бўлмайди. Меҳнатни муҳофаза қилишга ҳар бир ходим учун сарфланаётган маблағ ўртача 4034 сўмни ташкил этмоқда. Хусусан, агросаноат мажмуи тизимида бу кўрсаткич 3761 сўмни, таълим ва фан ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида эса бор-йўғи 600-630 сўмни ташкил этаётганини қандай тушуниш мумкин? Боз устига, республикамиз миқёсидаги кўрсаткичга таққосланадиган бўлса, бу борада ҳали кўп иш қилиниши кераклиги аён бўлади.

Ҳисобот даврида хавфсизлик техникаси қонун-қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида 224 нафар фуқаронинг шикастланганлигини ана шу ноойилона муносабатнинг аччиқ меваси сифатида баҳолаш мумкин. 54 нафар кишининг иш пайтида ҳалок бўлиши эса жудаям ачинарли ҳол, албатта. Бундай кўнгилсиз ҳодисалар асосан агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика, автотранспорт корхоналарида рўй берган.

Кўп ҳолларда меҳнат муҳофазасини таъминлаш, умуман меҳнат қонунчилиги талабларини бажаришга мутасадди раҳбарлар, иш берувчилар панжа орасидан қарашмоқда. Сўзимиз исботи ўлароқ, бир мисолга мурожаат қилайлик. Олтинсой тумани «Хўжасоат» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро Хумор Назарованинг қонуний талаби Денов шаҳридаги «Лочинтранс» корхонаси раҳбари томонидан инобатга олинмаган. Шундан сўнг у турмуш ўртоғи Э.Ҳасановнинг бахтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтганлиги, бунинг учун юқорида тилга олиб ўтилган корхона маъмурияти томонидан тўланиши лозим бўлган товон пули ва нафақаларни ололмасдан кўп вақт идорама-идора сарсон бўлиб юрганлиги тўғрисида вилоят Кенгашига мурожаат қилди. Шикоят хати атрофлича ўрганиб чиқилди, Х.Назаровага тегишли миқдордаги товон пули ва нафақалар тўланадиган бўлди.

Маърузачи ва музокарада қатнашганлар сўнгги йилларда вилоят касаба уюшма спортининг тобора ривожланиб бораётганлигини эътироф этишди. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармонидан сўнг кўпгина хайрли ишлар амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда Кенгаш таклифи билан ишлаб чиқилган «Вилоят аҳолиси ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тубдан ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги вилоят ҳокимининг қарори ҳам ҳал қилувчи рол ўйнади.

Ўтган беш йил давомида касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга жалб қилиш мақсадида бир қатор мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда 181 минг киши мунтазам равишда спорт билан шуғулланмоқда. Ҳар йили касаба уюшмалари ташаббуси билан ўнлаб оммавий спорт мусобақалари, хотира турнирлари ўтказиляпти. Айниқса, 2002 йилнинг 15-18 май кунлари Термиз шаҳридаги спорт майдонларида ўтказилган қишлоқ меҳнаткашларининг республика «Саломатлик» спартакиадаси кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди. Унда вилоят спортчилари муносиб иштирок этди.

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётир. Ҳозирда 16 та замонавий стадион, 403 та турли спорт майдончалари спорт ихлосмандлари хизматида. Касаба уюшмалари тасарруфидаги «Алпомиш» ўйингоҳида кураш, дзю-до, бокс заллари, теннис корти, волейбол ва баскетбол майдонлари барпо этилди. Бунинг учун 800 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ерда айна вақтда юзлаб ёшлар тажрибали мураббийлар устозлигида ўз маҳоратларини оширмоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беряпти. 21 нафар спортчи мамлакат терма жамоалари аъзолигига қабул қилинган. Республика ва халқаро мусобақаларда улар муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. Масалан, сўнгги беш йилда ана шундай мусобақаларда муваффақиятли қатнашган вилоят спортчиларининг 90 фоизи касаба уюшма вакилларидир. Ҳисобот даврида 1 нафар хизмат кўрсатган спорт устаси, 6 нафар халқаро тоифадаги ҳамда 26 нафар спорт устаси, минглаб оммавий тоифага эга спортчилар тайёрланди.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан яна бири, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришдир. Ҳисобот даврида 20 минг нафарга яқин киши санаторий, санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида соғлиғини тиклади. Ажратилган йўлланмаларнинг маълум қисми уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар ҳамда Чернобил ҳалокати қатнашчиларига бепул берилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ташкил этиш ва ўтказишга ҳам муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоят бўйича 12 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатди. Уларда 7 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига эришилди. Айниқса, «Жарқўрғоннефт» ва «Сурхонавтойўл» ҳиссадорлик жамиятларига қарашли «Нефтчи» ва «Вахшивор» болалар оромгоҳлари фаолияти таҳсинга лойиқ бўлди. Афсуски, бу борада ҳам ютуқлар қатори муаммо ва камчиликлар ҳам учраб турибди. Масалан, кўп йиллар самарали фаолият кўрсатган Денов туманидаги «Сино» оромгоҳи ўтган йилги ёзги мавсумда турли баҳоналар сабаб ишламади. Шунингдек, Бойсун туманидаги «Дарбанд», Қизириқдаги М.Ҳасанова номли болалар оромгоҳлари фаолиятида ҳам бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Бу борадаги мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўта муҳим ва масъулиятли вазифани муваффақиятли бажаришга эришиш даркор. Бу ҳақда конференцияда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Амалга оширилган ишларга бир қўр назар ташлаб, сарҳисоб этиш, бўлғуси режаларни белгилаб олишнинг аҳамияти беқиёс. Шу маънода, талабчанлик, ошкоралик руҳида ўтган вилоят касаба уюшмаларининг навбатдаги конференцияси ҳам келгусида кутилган амалий натижаларни берса, ажаб эмас.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Абдикарим Аҳмедов Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб сайланди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

*«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

## ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ҲАҚИДА

**Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради**



***САВОЛ: йўл ишчиларидан – автогрейдерчилар, экскаваторчилар ва қишлоқ хўжалигида ишлаган механизаторлар ҳам имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкинми?***

**Б.ҚУЛБУЛОВ,**
**Чироқчи тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган 3 рўйхатнинг XXXV бўлими II қисмида қишлоқ хўжалигида ишловчи айрим тоифа ходимларининг имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин бўлган касблар рўйхатида санаб ўтилган. Унга кўра тракторчи-машинистлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ташиш ишлари билан тўлиқ иш куни давомида банд бўлсалар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин бўлади. Бироқ, ушбу рўйхатда йўл ишчиларидан бўлган автогрейдерчилар, экскаваторчилар имтиёзли пенсияга чиқувчилар қаторида назарда тутилмаган.

Ушбу бўлимнинг III қисмига биноан бульдозер-машинисти бўлган аёллар, йўл қурилиши ишларида юк ортиш ва ташиш билан боғлиқ машиналарда ишловчи машинист аёллар, экскаватор-машинисти бўлган аёллар, тракторчи аёллар ҳамда трактор-машинисти бўлган аёллар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

***САВОЛ: мен бир неча йиллар давомида ремонт қурилиш участкасида уста (мастер) вазифасида ишлаб келганман. Имтиёзли равишда 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?***

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**Бойсун тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12-майда тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати XXVIII қисмида қурилиш ва монтаж ишларида ишловчи усталар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Қурилиш участкаларида уста (мастер) бўлиб ишлаганлар ушбу имтиёздан фойдалана олмайдилар.

## АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛЛАР

**Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради**

***САВОЛ: ходим дейлик уч йил давомида меҳнат таътилидан фойдаланмаган. Шу даврга пуллик компенсация тўлаш мумкинми?***

***Умуман меҳнат таътиллари тўғрисида маълумот берсангиз.***

**Ш.МЎМИНОВ,**
**Бухоро шаҳри**



ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг талабларига асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга ҳар йили дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилиши зарур.

Амалдаги қонунга мувофиқ йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун ходим олти ой ишлагандан кейин берилади.

Ходимнинг иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қонунда айрим ходимларга уларнинг хоҳишига кўра меҳнат таътили олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар:

- аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга;
- асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ҳамда бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

Мактаблар, ҳунар-техника, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида ёзги таътил даврида берилади.

Жамоа келишуви, жамоа шартномаси ёки бевосита меҳнат шартномаси билан биринчи иш йили учун таътилдан муддатидан олдин фойдаланиш ҳуқуқига эга ходимлар рўйхати тўлдирилиши мумкин.

Ходимларга иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун меҳнат таътили бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишиб, тасдиқланган жадвалга мувофиқ берилади. Бу таътиллар жадвалини бажариш ҳам иш берувчига, ҳам ходимлар учун мажбурийдир.

Таътилларни бериш навбати жадвалда шундай мўлжал билан белгиланиши керакки, токи улардан фойдаланиш нормал ишлаб чиқариш жараёнини бузмасин.

Бундан ташқари, жадвални тузишда ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнат таътилларидан фойдаланиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган кафолатларга риоя этиш, муассасанинг бошқа ходимлари манфаатларини ҳисобга олиш зарур. Яъни, ходимларга меҳнат таътили, агар бу ишлаб чиқариш жараёнига ва муассасанинг нормал ишлаб туришига ҳалал бермаса, йилнинг улар учун қулай вақтида берилиши керак.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгилаб қўйилган вақти фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Таътил бериш ҳақида ходим иш берувчи томонидан ёзма равишда таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши ва таътил бериш тўғрисида буйруқ чиқарилиши керак. Лекин, амалиётда ходимларнинг иш берувчи номига таътил берилишини сўраб ариза билан мурожаат қилиши ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Ходимларга ҳар йили ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил ва қонунларда белгиланган йиллик қўшимча таътиллар берилади. Йиллик асосий ва қўшимча таътиллар қўшиб жамланганда унинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Энди, меҳнат таътилини кейинги йилга ўтказиш масаласига келсак, қонунда бу ҳақда аниқ кўрсатиб ўтилган. Меҳнат Кодекси 143-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ меҳнат таътилининг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги йилга кўчирилиши мумкин. Шу йили ходим ундан албатта фойдаланмоғи зарур. Бундай кўчиришга фақат ходимнинг розилиги билан ва фақат ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда йўл қўйилади.

Меҳнат Кодекси қуйидаги таътилларнинг кейинги иш йилига ўтказилишига йўл қўймайди:

а) меҳнат таътилини ходимнинг ўз розилигисиз;

б) бутун меҳнат таътилини тўлалигича. Таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ қисмигина кўчирилиши мумкин;

в) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган меҳнат таътиллари;

г) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитида, шунингдек, оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган қўшимча таътиллар.

Фойдаланмаган таътиллар учун пуллик конпенсация тўлашда Меҳнат Кодексининг 151-моддаси талабларига иш берувчи томонидан тўлиқ риоя қилиниши зарур. Амалдаги қонунга асосан ходимларга иш даврида, иш берувчи билан ходимнинг ўзаро келишувига биноан йиллик таътилнинг энг оз муддатидан, яъни ўн беш иш кунидан ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Бу ўринда ижтимоий таътилларнинг барча турларидан, шунингдек, меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ҳамда оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитидаги ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътиллардан тўлиқ фойдаланиши зарурлиги ва уларни пуллик компенсация билан алмаштирилишига қонун томонидан йўл қўйилмаслигини ёддан чиқармаслик керак. Ходимларга фойдаланмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда берилади.

Сизнинг саволингиздан маълум бўлдики, иш берувчи ходимга меҳнат таътили беришда, уни кейинги иш йилига кўчирилишида Меҳнат Кодексининг 143, 144-моддалари талабларини тўлиқ бажармаган. Демак, ходим муассасада ишлашни давом эттирар экан, унга барча фойдаланмаган меҳнат таътиллари берилиши зарур ва Меҳнат Кодексининг 9-моддасига мувофиқ касаба уюшма қўмиталари ходимларнинг меҳнат таътилида ўз вақтида бўлишларини текшириб боришлари ва назорат қилишлари керак.



Стоматолог Хўжамурод Каримовни «қўли енгил» врач дейишади. Бунинг боиси шуки, шифокор ўз ишининг устаси, касбининг фидойисидир.

Хўжамурод ака Қарши шаҳридаги марказий стоматология шифохонасида ишлайди. Айни чоғда шифокор оғриқсиз даволаш усули билан беморларни даволамоқда.

– Яқинда шифохонамиз яна бир қулайликка эга бўлди, - дейди Хўжамурод Каримов. – Германияда тайёрланган замонавий рентген аппарати ҳамда тишга рангли пломба тайёрлайдиган ускуналар харид қилинди.

**Суратда: шифокор Х.Каримов ва ҳамшира Д.Райимова.**

**Ш.ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## ЯНГИ ТИКУВ ЦЕХИ

***Шаҳрихон туманидаги Дўлон қишлоғида "Нурмаскан" хусусий фирмасининг халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги тикув цехи ишга тушди.***

Ҳозирда бу ерда ўқув ишлаб чиқариш марказининг йигирма нафар битирувчиси ишлашмоқда, — деди цех раҳбари Одинахон Отахонова.

Дастлаб фирма ўз фаолиятини мактаб формасини тикувчи кичкинагина тикув цехини ишга тушириш билан бошлаган эди. Кейинчалик бундай цехлар учун малакали мутахассислар муаммосини бартараф этиш учун олти ойлик тайёрлов курсларни очди. Сўнгги икки йил ичида мазкур ўқув курсларини тугаллаганлар сони 150 нафарга етди.

**"Туркистон-пресс"**

## СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**Саволингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради**

***САВОЛ: фуқароларнинг ҳуқуқларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга мурожаат қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.***

**А.НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Нарпай тумани**

**ЖАВОБ**: мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Қонуннинг 1-моддасига асосан ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган, – деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига қараб ўзи яшаётган жойидаги фуқаролик судига ёки ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс (яъни жавобгар)нинг иш жойидаги судга берилади. Фуқароларнинг судга шикоят билан мурожаат қилишлари учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

1) фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кунидан бошлаб уч ой;

2) фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;

3) агар фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб ололмаган бўлса, шикоят берилганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой, яъни шикоят дастлабки берилган кундан кейинги икки ой.



Шикоят беришнинг белгиланган ушбу муддатлари узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда судлар томонидан ушбу муддатнинг тикланиши мумкинлиги қонуннинг 6-моддасида акс эттирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда тасдиқланган 533-сонли «Давлат божи Уставлари» тўғрисидаги қарорининг 1-банди

б)кичик бандида мазкур турдаги даъво аризаларини кўриб чиққанлик учун айбдор тарафдан суднинг қарорига кўра республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.


## Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари!

**Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини тубдан тараққий эттириш ҳамда иқтисодий қўллаб-қувватлаш борасида масъуллардан бири сифатида республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири Акциядорлик Тижорат «Пахта банк»**

*аграр тармоққа хизмат кўрсатувчи барча корхона ва ташкилотларни, хусусан, давлат эҳтиёжи учун пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириб келаётган, бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини бўлган барча фермерларни банк хизматидан фойдаланишга таклиф этади.*

*«Пахта банк»нинг жойларда фаолият юритаётган 183 та филиали, мавжуд 312 та ва янгидан ташкил этилаётган 129 та мини банклари сизларга доимо ўз вақтида тезкор ва сифатли банк хизматини кўрсатади!*

*«Пахта банк»нинг етук ва малакали ходимлари томонидан Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукуматимиз қарорлари юзасидан ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган йўриқномалар, пахта ва ғалла етиштиришда кредитлашнинг янги механизми, яъни қулай ва соддалаштирилган кредитлаш механизми орқали имтиёзли кредитлар олиш борасида Сиз азиз фермерларга бепул консалтинг хизматлари кўрсатилади.*

*Шунингдек, банк ўз ресурслари эвазига қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий техника базасини мустаҳкамлашга ҳам кредитлаш ва лизинг асосида молиявий кўмак беради.*

***«Пахта банк» Сизнинг ҳамкорингиз ва биз Сизни мижозларимиз орасида кўришдан бағоят хурсандмиз!***

